

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАЛАРИ

**Қодиржон Одилханович Шодманов**  
Наманган давлат университети доценти

**Мухсинжон Акрамжонович**  
Наманган давлат университети стажер-тадқиқотчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилардаги мавжуд ва маълум бир мақсадда шакллантирилган эҳтиёжлар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларида касбий компетентлиликни ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш ҳамда юқори натижаларга эришиш, профессор-ўқитувчиларда касбий компетентлиликни ривожлантириш воситалари сифатида хизмат қилиши мумкинлиги очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Олий таълим муассасаси, профессор-ўқитувчи, касбий компетентлилик, юксак малакали мутахассис, мақсад, эҳтиёж, мотив, таъсир этувчи омиллар, воситалар.

### ABSTRACT

The article reveals that the existing and purposeful needs of teachers of higher educational institutions can serve as a means of organizing the process of developing the professional competence of higher school teachers and achieving high results, developing the professional competence of teachers.

**Keywords:** university, professor-teacher, professional competence, highly qualified specialist, goal, need, motive, influencing factors, tools.

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг асосий мақсади сифатида Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни

модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва белгиланган мақсадларга эришиш, яъни жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар, ҳозирги кунда яратилаётган ва амалиётга татбиқ этилаётган янгиликлар халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши ва фаол ижодий меҳнат қилиши учун зарурий ва етарли шарт-шароитларни яратиш билан бир қаторда, узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш ва янгилаш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ўз устида ишлаши, билими, кўникма ва малакаларини мунтазам ошириб бориш йўналишларида ҳам ўзига хос талабларни белгилаб беради.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Маълум бир фаолиятни ташкил этиш заруриятини белгиловчи бош мезон бу инсон олдида қўйилган мақсад бўлиб, унга эришиш учун вазифалар белгилаш, ташкил этиладиган фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл-йўриқларини танлаш, вазифаларнинг мазмун ва моҳиятига кўра бажарувчиларни танлаш ва бажариладиган вазифаларни тақсимлаш, белгиланган мақсадга эришиш учун ташкил этиладиган жараён иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш зарур ҳисобланади.

Мақсад бу ихтиёрий фаолиятни ташкил этиш заруриятини белгилайди, яъни қандайдир мақсад шакллангандан кейин маълум бир хатти-ҳаракатлар амалга оширилади, демак, мазкур фикрга асосланиб айтиш мумкинки, маълум бир фаолиятни амалга оширилиши заруриятини белгиловчи бош мезон бўлган мазкур мақсад ўз навбатида мазкур фаолиятни ташкил этишга ундовчи восита сифатида ҳам хизмат қилади.

Мақсад – бу инсон хатти-ҳаракатларини қачон амалга оширилиши кераклиги ва унда қандай натижага эришилиши мумкинлиги, унинг учун қайсидир мавжуд қийинчиликларни енгиб ўтиши лозимлигини олдиндан англаши бўлиб, мақсаднинг белгиланиши шахсий ёки умумий эҳтиёжларни қондириш йўналишида муайян бир хатти-ҳаракатларни амалга ошириш заруриятини вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам мақсадни шаклланишида эҳтиёжлар асосий восита сифатида майдонга чиқади.

Эҳтиёж жонли мавжудотнинг ҳаёт кечиришининг аниқ шарт-шароитларига қарамлигини ифода этувчи ва бу шарт-шароитларга нисбатан

унинг фаоллигини вужудга келтирувчи ҳолатдир. Инсоннинг эҳтиёжлари ҳам ижтимоий, ҳам шахсий хусусиятларга эга бўлиб, у биринчидан, шунчаки тор маънодаги шахсий тавсифга эга бўлиб туюлганда ҳам ижтимоийдир (масалан, нон – нон бўлиб дастурхонга келгунича кўплаб инсонлар меҳнати сарфланади, бу эса ижтимоий маҳсулотдир). Иккинчидан, инсон ўз эҳтиёжларини қондириш учун мазкур ижтимоий муҳитда тарихан таркиб топган воситалар ва усуллардан фойдаланади. Учинчидан, инсоннинг кўпгина эҳтиёжлари шахсий эҳтиёжларидан кўра ўзи биргаликда меҳнат қиладиган жамиятнинг, жамоанинг, гуруҳнинг эҳтиёжларини ифодалайди, яъни жамоа эҳтиёжлари кишининг шахсий эҳтиёжлари тусини олади (мас.:йиғилишда маъруза билан чиқиш учун тайёрланиш эҳтиёжи).

Ихтиёрий бир профессор-ўқитувчида айни бир вақтнинг ўзида бир неча орзу-истак ва мақсадлар шаклланиши мумкин, чунки бир вақтнинг ўзида уларда йўналиши ва мазмун-моҳиятига кўра турли хил эҳтиёжлар вужудга келиши мумкин. Эҳтиёжлар турлича бўлса-да ва уларни қондириш йўналишида шаклланган орзу-истак ва бир неча мақсад ҳамда уларга эришиш мумкин бўлган бир неча йўл бўлган тақдирда ҳам булардан муайян бир мақсадни ҳамда мазкур мақсадга эришиш мумкин бўлган маълум бир йўлни танлаб олиш зарур ҳисобланади.


Белгиланган мақсад ва кўзланган натижаларга эришиш йўллари ва воситаларини танлаб олиш жараёнида умумий манфаатлар инобатга олиниши ҳамда энг мақбуллари аниқланиши зарур бўлиб, белгиланган мақсад ва унга эришиш йўллари белгилаб берувчи ихтиёрий восита ҳаракатнинг мақсади деб аталади.

## **МУҲОУАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Демак, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича хатти-ҳаракати йўналиши маълум бир вазифани белгилаш заруриятини, шунингдек, белгиланган вазифани амалга ошириш воситаси ва йўллари белгиловчи сабабни мақсад деб айтиш мумкин.

Ўз олдида касбий компетентликни ривожлантириш мақсадини қўйган ва унга эришиш йўллари танлаган ҳар бир профессор-ўқитувчи маълум даражада ўз дунёқарашига, тасаввури ва тушунчаларига, шунингдек, шахсий ёки ижтимоий манфаатларни ифодаловчи эҳтиёжларга асосланади ва бунда унинг иродавий ҳаракатларининг воситалари сифатида унинг мақсади, хоҳиши,

истаги билан бирга, унинг манфаатлари ва эҳтиёжи майдонга чиқади ҳамда энг асосийси мазкур воситалар унинг касбий компетентлилигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади (1-расм).



1-расм. Касбий компетентлиликни ривожланишига таъсир этувчи омиллар

Мазкур расмга асосланиб айтиш мумкинки, профессор-ўқитувчиларда касбий компетентлиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур воситалар ривожлантириш омиллари сифатида хизмат қилади ва улар касбий компетентлиликни ривожлантириш жараёнида ўзига хос аҳамият касб этиб, уларнинг ичидан асосийларини, яъни профессор-ўқитувчига энг кучли таъсир кўрсатувчи воситаларни танлаш ва улардан ўз хусусиятларига кўра тўғри фойдаланиш зарур ҳисобланади.

Мазкур воситаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш профессор-ўқитувчиларда касбий компетентлиликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касаб этади. Масалан, профессор-ўқитувчиларни фикрлашга мажбур қилувчи, яъни иродавий ҳаракатга келтирувчи воситалардан бири истак бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятларидан бири у профессор-ўқитувчиларга нимадир етишмаётганлигини ҳис эттириш асосида уларда эҳтиёж шакллантиради ва ҳаракатга келтиради.

Шунингдек, воситалардан бири ҳисобланаётган тилак, белгиланган мақсадга эришиш учун фикрлашга мажбур қилувчи хусусиятга эга бўлиб, белгиланган мақсадга эришиш йўллариини излаб топиш йўналишида ҳаракатга

келтиради ва орзу билан боғлиқ ҳолда тафаккурни ривожланишига хизмат қилади.

Хоҳиш ҳам ҳаракат қилишга мажбур этувчи хусусиятларга эга бўлиб, у тўла анланган ҳаракатни, яъни профессор-ўқитувчиларда ҳаракат қилиш йўналишидаги эҳтиёжларни вужудга келтиради ва бу ҳам ўз навбатида тафаккурнинг шаклланишига ҳамда ривожланишига хизмат қилади, мазкур ҳаракатларни амалга оширилишида манфаатлар ўзига хос аҳамият касб этади.


Профессор-ўқитувчиларда эҳтиёжнинг шаклланиши уларнинг яшаш шарт-шароитларига, биринчи навбатда, мақсаднинг шаклланишига ва унга эришиш истакларини вужудга келишига, яъни дунёқарашининг ўзгаришига боғлиқ бўлиб, турли воситалар таъсири остида шаклланиб ва ўзгариб боради. Демак, профессор-ўқитувчиларда билим олишга бўлган эҳтиёжни шакллантиришда шахсга йўналтирилган таъсир муҳим аҳамият касб этади.

Профессор-ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантиришда улардаги мавжуд эҳтиёжларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёни ҳамда шахсга йўналтирилган таъсир профессор-ўқитувчиларда, энг аввало, табиатга, жамиятга, ўқиш ва меҳнат қилиш фаолиятига, қолаверса, ўз шахсига муносабатини ўзгартиришга қаратилиши лозим.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларида ўз касбий компетентлигини ривожлантириш йўналишида шакллантириладиган эҳтиёж давлат ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, унинг элементи сифатида шакллантирилиши зарур бўлиб, бунда умуммиллий эҳтиёжлар инобатга олинади, чунки жамият ва шахс муносабатлари, манфаатлари уйғунлаштирилиб, шахсга ўз қобилиятларини ривожлантириш, имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратилади. Профессор-ўқитувчиларда шаклланидиган эҳтиёжлар аҳамияти, мазмун ва моҳиятига кўра турлича бўлиши мумкин (2-расм).

Билим олишга бўлган эҳтиёж етарлича шакллантирилса, профессор-ўқитувчиларда фаолият кўрсатаётган соҳасига оид янгиликларни, фан-техника ютуқларини, табиат сирларини, дунё воқеалари ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини, мустақилликнинг аҳамияти ва заруриятини, умуминсоний кадриятлар ва миллий урф-одатларни ҳамда ўтмиш ва келажакни ўрганишга қизиқиш шаклланади, иродавий ҳаракатлар вужудга келади ва бу ўз навбатида,

профессор-ўқитувчиларда касбий компетентлиликни ривожланишига хизмат қилади.



2-расм. Касбий компетентлиликни ривожлантириш воситалари

Профессор-ўқитувчилар ихтиёрий вазиятларда мулоқотга бўлган эҳтиёжни сезади, чунки мулоқот уларнинг дунёқарашини кенгайтиради, қарашлари ва фикрларига аниқлик киритади, мазкур жараёнда уларнинг тушунчалари мустаҳкамланади, ахборотларнинг аниқ ва ишончлилиги таҳлил қилинади, натижада ўзини ҳам ўзгаларни ҳам тушуниб етиш учун имконият яратилади.

Профессор-ўқитувчиларда касбий компетентлиликни ривожлантириш воситаси сифатида майдонга чиқувчи яратувчилик ниманидир ўзгартиришга, янгилик яратишга, фикрлашга мажбур қилувчи эҳтиёж ҳисобланиб, у профессор-ўқитувчиларда мустақил ўрганиш, мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзини-ўзи англаш ва ўзлигини ифодалашга бўлган эҳтиёж профессор-ўқитувчиларни ўз фаолиятида маълум бир ижобий натижаларга эришиш, олий таълим муассасасида обрў-эътибор қозониш борасида ҳаракатга келтирувчи восита бўлиб, профессор-ўқитувчиларда ўзини-ўзи ҳурмат қилиш, ўзлигини англаш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи ривожлантириш каби кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларда касбий

компетентлиликни ривожлантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи воситалардан бири муваффақиятга бўлган эҳтиёж бўлиб, бу маълум бир вазифани масъулият билан бажариш орқали кўзланган натижаларга эришишга хизмат қилувчи, профессор-ўқитувчиларда масъулият ҳиссини шакллантириш орқали ижодий фаолиятга етакловчи эҳтиёж ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчиларда касбий компетентлиликни ривожлантиришда қўл келадиган воситалар сифатида ҳокимият ва мансублик эҳтиёжларини келтириш мумкин бўлиб, ҳокимият эҳтиёжи ҳокимиятга интилишни эмас, балки маълум бир мақсадларга эришиш учун одамларга таъсир кўрсатиш хоҳишини вужудга келишини англатади, яъни мазкур эҳтиёж профессор-ўқитувчиларда ўзаро таъсирни вужудга келтиришга хизмат қилади.

Мансублик эҳтиёжи эса, мулоқотга киришиш, дўстона муносабатлар ўрнатиш, ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш, алоқаларни яхшилаш ва ахборотлар алмашилишига хизмат қилувчи эҳтиёж бўлиб, манфаатлар уйғунлашувида ўз ҳамкорлари ҳузурида бўлиш ва дўстона муносабатлар ўрнатишдан манфаатдорликни ифодалайди. Бу ўз навбатида, профессор-ўқитувчиларни ҳамкорликда фаолият кўрсатишга хизмат қилади.

## ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчилардаги мавжуд ва маълум бир мақсадда шакллантирилган эҳтиёжлар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларида касбий компетентлиликни ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш ҳамда юқори натижаларга эришиш, профессор-ўқитувчиларда касбий компетентлиликни ривожлантириш воситалари сифатида хизмат қилиши мумкин.

Замонавий талаблар асосида, яъни давлат, жамият ва шахс эҳтиёжларига мос келадиган зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган, рақобатбардош, юксак малакали мутахассислар тайёрлашда профессор-ўқитувчиларда касбий компетентлиликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этиб, бу нафақат олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган профессор-ўқитувчиларда касбий компетентлиликни ривожлантириш жараёнларида, балки бошқа турли хил тадбирларда ва ўзаро муносабатлар жараёнларида ҳам профессор-ўқитувчиларда касбий компетентлиликни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш ва унга профессор-ўқитувчиларни мотивлаштириш зарурлигини белгилайди.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.
2. Турғунов С., Ахмедова Н., Шодманов Қ. Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари касбий компетентлигини ривожлантириш. – Наманган: “Наманган”, 2012.
3. Турғунов С.Т., Улуқов Н.М., Шодманов Қ.О., Мақсудова Л.А. Таълим муассасаларида бошқарув. - Тошкент: Фан, 2008.